



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
31 май
ЧОРШАНБА
№ 42
(11.845)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Болалар ёзи — 2006

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Ўқув йили якунланиб, ёзги таътил бошланди. Болалар ёз ойларида мириқиб, кўнгилли дам олишлари ни ташкил этиш учун тайёргарлик ишлари якунланмоқда. Бу йил вилоятимиз мактаблари, лицей ва коллежаларнинг ўқувчилари 14 та ёзги оромгоҳда дам олдирилади.

Мамлакатимиз Президентининг ва ҳукуматининг диққат-эътибори билан улар мавсумга ҳар жihatдан пухта тайёрланмоқда. Оромгоҳларни тартибга келтириш, ётоқхоналар, ошхоналар, дам олиш майдончаларини тартибга солиш ишлари якуний босқичга кирди. Вилоятимиз ҳокимлиги, йирик корхона ва ташкилотларнинг гамхўрлиги туфайли кўпгина болалар оромгоҳлари мавсумга барвақт тахт қилиб қўйилди. Чунки, Олмалик «Аммофос» очик акциядорлик жамиятининг «Чимён», Чирчиқ «Ўзбеккимёмаш» очик акциядорлик жамиятининг «Хумо», «Тошпахтасаноат» худудий акциядор-

лик бирлашмасининг «Келажак», Чирчиқ «Электримёсаноат» очик акциядорлик жамиятининг «Кимёгар», «ОКМК» очик акциядорлик жамиятининг «Тонг» оромгоҳлари ҳозирнинг ўзида мавсумга тахт қилиб қўйилди. Уларда худудларни ободонлаштириш, биноларни таъмирлаш, мебеллар билан жиҳозлаш ишлари аллақачон якунланди. Бу оромгоҳлар болаларни қабул қилишга шай бўлиб турибди.

«Энергоқурилиш индустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Оқ елкан» оромгоҳида ҳам мавсумга

(Давоми 2-бетда).

«Пилла — 2006»

БЕКООБДЛИКЛАР БИРИНЧИ

Вилоятимизда пилла мавсуми ҳал қилувчи паллага кирди. Ипак курти парваришига ҳар томонлама омилкорлик билан ёндошган туманларда биринкетин шартнома режалари бажарилмоқда.

Бу йил Бекобод тумани пиллакорлари кумуш тола етиштириш топширигини вилоятда биринчи бўлиб бажаришга эришдилар. Улар вилоятимиз пилла хиромонига энг кўп — 184,9 тонна қимматбаҳо хом ашё тўққилар. Ҳосилдорлик ўртача 58,8 килограмми ташкил этди. Айниқса, Навоий номили ҳамда «Дўстлик» ширкат ҳўжаликлари, «Навбахор» ва Улугбек номили фермерлар уюшмаси пиллакорлари етиштирган ҳосил чўғи баракали бўлди. Бу ҳўжаликларнинг аксарият тахрибали пиллакорлари ҳосилдорликда ҳар йилгидан юқори натижага эришганлигини эътироф этиш жоиз.

Бул йил Бекобод тумани пиллакорлари кумуш тола етиштириш топширигини вилоятда биринчи бўлиб бажаришга эришдилар. Улар вилоятимиз пилла хиромонига энг кўп — 184,9 тонна қимматбаҳо хом ашё тўққилар. Ҳосилдорлик ўртача 58,8 килограмми ташкил этди. Айниқса, Навоий номили ҳамда «Дўстлик» ширкат ҳўжаликлари, «Навбахор» ва Улугбек номили фермерлар уюшмаси пиллакорлари етиштирган ҳосил чўғи баракали бўлди. Бу ҳўжаликларнинг аксарият тахрибали пиллакорлари ҳосилдорликда ҳар йилгидан юқори натижага эришганлигини эътироф этиш жоиз.

Шунингдек, Оқўрғон, Бўжа, Юқоричирчиқ, Ўрта-чирчиқ ҳамда Чиноз тумани пиллакорлари ҳам режа марраси сари тобора якунлашмоқдалар.

Ҳайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

— Пиллакорларимиз бу

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ФАРЗАНДЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Мустақиллик йилларида ҳар жабҳада ёш авлодга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Чунки, бола бор экан, ҳаётимиз ҳамisha мунаввар, боқий. Бунда келажагимиз ҳам, истиқболимиз ҳам мужассамдир.



Улар чехрасида бугун биз ўзлгимизни, эртанги орзу-умидларимизни ҳис қиламиз. Фарзандлар тимсолида бахтимизни кўрамиз. Шу сабаб уларга борлигимизни, меҳру муҳаббатимизни бахш этамиз. Ҳаётимизнинг бутун заққаваки, роҳатию мазмунининг асли ҳам шунда.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси тантаналар залида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Болаларга меҳр беринг!» мавзусида вилоят «Ногиронлар» жамиятининг тадбири бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда хотин-қизлар кўмитаси кўллаб-қувватлаган мазкур тадбирда вилоят шаҳар ва туманларидан 250 нафар ногирон бола қатнашди.

Тадбирни вилоят ҳокими Мирзамашрап Кўччиев кириш сўзи билан очиб, кичкинтойларни байрам

қилиш куни муносабати билан «Болаларга меҳр беринг!» мавзусида вилоят «Ногиронлар» жамиятининг тадбири бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда хотин-қизлар кўмитаси кўллаб-қувватлаган мазкур тадбирда вилоят шаҳар ва туманларидан 250 нафар ногирон бола қатнашди.

Зулхумор ЖўРАЕВА,
Вилоятимизда ушбу кун арафасида бўлиб ўтган тадбирлар тафсилотларини 2-бетда ўқийсиз.

Мустақилликнинг



1. ЮКСАЛИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Мустақиллик Ангренга нима берди-ю, бу sanoat шахрининг ўзи Мустақилликни мустақамлашга қандай ҳисса қўшди, деган саволларга тўғри ва холис жавоб бериш учун гапни шахарнинг жуғрофий, ижтимоий, иқтисодий мавқеини акс эттирувчи далил ва рақамлардан бошлаш ўринлидир.

Авалло шунини айтиш жоизки, 1946 йилда ташкил этилган шахарнинг ўша пайтдаги қиёфасини бугунги кўрму таровати билан мулқо қиёслаб бўлмайди. Бугунги кунга келиб 15 минг 273 гектар майдонни эгаллаган Ангрен шахрининг 3 та шахарчаси ва 52 та маҳалласида ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус, украин, татар ва корейс каби унлаб миллат вакилларидан иборат қарийб 160 минг аҳоли ўзаро тотуликда яшаб, меҳнат қилмоқда. Шаҳар аҳоли сони жиҳатидан вилоятда иккинчи ўринда туради.

Шаҳарнинг табиий иқлим шароити ҳам ўзига хос баътарор. Уни шимоли-ғарб томондан Чотқол, шимоли-шарқ томондан эса Қурама тоғ тизмалари ўраб туради. Оҳангарон ҳавзаси ва Қамчиқойнинг чап бикинидан сув оладиган Ангрен дарёси, Чотқол ҳамда Қурама тоғлари тизмаларидан оқиб келадиган Богисурхсой, Тўғонбошисой, Дукентсой, Қорабоғсой, Ақчасой, Шоввозсой каби умумий узунлиги 2 минг километрга чўзиладиган сойларнинг салқин сувлари шахарнинг иқлимига мўътадиллик бахш этади. Табиати тур-

фанга ҳайвонлар кушларга, сувлари балиқларга бой. Мухтасар айтганимизда, Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари оралиғида ястанган бу водий республикамиздаги ўзининг тақдорланмас табиатию маҳобатли тоғлари, серсув дарёю сойлари билан кўзларни қувонтириб, кўнгилларни яйратувчи хушманзара маволардан биридир.

Тан ва руҳ уйғунлигисиз мукамаллик бўлмаганидек, Ангреннинг жуғрофий жойлашуви унинг иқтисодий

Ангрен шахри:

ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ФАЙРАТ БИЛАН

равнақи учун кенг имкониётлар яратди. Илмий-техник салоҳиятдан оқилона ва самарали фойдаланилаётгани туфайли шахарда ишлаб чиқариш кучлари бозор иқтисодиёти талабларига мутаносиб ҳолда ривожланиб бормоқда. Хусусан, sanoat, қурилиш, транспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат, кичик бизнес ва тадбиркорлик, шунингдек, ижтимоий соҳалар изчил ривожланиб, молиявий аҳвол барқарорлашиб, макроиктисодий кўрсаткичлар тобора ўсиб бормоқда.

Ангрен тоғларида турли маъдан ва бошқа хом ашёнинг катта захиралари мавжуд бўлиб, бу табиий бойликлар sanoatнинг барқарор ривожини учун қулай им-

кониятдир. Ҳозир шахарда 11 та sanoat корхонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Улар 2005 йилда 74,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Аввалги йилдагига нисбатан 3,9 фоиз ўсишга эришилди. Энг йирик sanoat корхоналари — Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси, «Саноатқалинғозсавдо» очик акциядорлик жамияти, очик кўмир қони, «Резинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси шахарнинг иқтисодий салоҳияти ривожига айнакса катта ҳисса қўшмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ангрен, бугунги кунда нафақат вилоят ёки Ўзбекистонда, балки бутун Урта Осиё минтақасида кўмир, рангли металл,



электр қуввати, нефть қимёси ва қурилиш ашёлари етказиб берувчи йирик ва истиқболли ишлаб чиқариш марказидир.

Қурилиш ташкилотлари республика ҳукуматининг қарорлари ва истиқболли дастурларида белгилаб берилган тадбирларни изчил амалга ошира бориб, қурилиш ишлари кўламини тобора кенгайтирмоқдалар.

Аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун, — дейди шахар ҳокими Абдулла Юнусов. — 2006 йил 1 сентябрь, яъни республика Мустақиллигининг 15 йиллиги шарафига қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган қурилиш объектлари рўйхатига назар ташлаш қиёф. Грўм маҳалласида 350 ўрин-

ли 15-мактаб биноси, Нуробод шаҳарчасида вилоят пульмонология ва физиятрия шифохонаси, Истиқлол кўчасида тўй ва маъракалар ўтказиладиган марказ, қатор савдо ва маиший хизмат объектлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари шахардаги марказий шифохона қайта қурилади, туғруқхона ва Чиркизов кўчасидаги 4-мактаб, «Кимёгар» марказий уйингоҳи тубдан таъмирланади. Шаҳар ўзининг кенг ривожланган автотранспорт тизимига эга. Ҳозир улар сони 6 тага етди. Шундан 5 таси шахар sanoat ишлаб чиқариши талаб ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қўрсатса, биттаси йўловчилар ташиш билан банд.

Тақдимот ИШГА ЯНГИЧА МУНОСАБАТ

Вилоят адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги шу йил 22 апрелда тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЕ) идораларида иш юритиш тартибини тўғрилади янги тахрирдаги йўриқноманинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайт этиш қоидалари»га, Адлия вазирлиги ҳайъатининг 2005 йил 27 октябрдаги қарори билан тасдиқланган низомига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларида иш юритиш тартибини белгилайди.

Йўриқнома туғилганликни, никоҳни қайт этиш, оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, никоҳдан ажратиш, ўлимни қайт этиш, фамилия, исми, ота исмини ўзгариштириш, далолатнома ёзувларини тиклаш, ФХДЕ идораси архивидан такрорий гувоҳномалар ва бошқа маълумотлар бериш, далолатнома ёзувига ўзгариштириш ҳамда қўшимчалар киритиш, гербли гувоҳномаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлаш тартибларини белгилайди.

Тақдимот маросимида вилоятнинг барча туман, шаҳар ФХДЕ идоралари раҳбарлари, иш юритувчилари, ФХДЕ далолатномаларини ёзиш ваколати берилган қишлоқ фуқаролари йиғинлари раислари иштирок этишди.

Саид ҲАСАНОВ.

Кўрғазма

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Чирчиқда вилоят коллежалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини коллежларга жалб қилиш масалаларига бағишланган анжуман ва «Маҳорат — 2006» кўрғазмаси ўтказилди.

Вилоят ҳокими Мирзамашрап Кўччиев иштирокчиларни қизгин қутлаб, хунар-техника таълими соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш вазифарига алоҳида тўхталиб ўтди.

Жўрабек МУРОДОВ.

Фуқаролар йиғинларига сайлов

Вилоятимизда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш билан боғлиқ жараён қизгин давом этмоқда. Оҳангарон шахридаги 20 та маҳалланинг 14 тасида ҳисобот-сайлов тадбирлари бўлиб ўтди. Қўрсатилган номзодлар қонун асосида, ошқоралик, ижтимоий адолат тамойилларига амал қилинган ҳолда сайланишди.

— Президентимизнинг «Маҳалла тепаида ҳалол ва пок одамлар туриши керак. Чунки, одамлар ана шундай кишиларнинг ортидан эргашади, уларнинг гапини икки қилмайди», деган фикри айниқса, сайлов жараёнида ўз тасдиғини топмоқда. — дейди ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Жўраб Эргашев.

Раислар ҳисоботини тинглаб, уларнинг фаолиятига ҳаққоний баҳо берган сайловчилар талабчанлик янада ободонлаштириш, тарбия ишларини жонлантириш масалаларига ўз муносабатларини очик-ойдин билдиришмоқдалар. Муносиблар яна қайта раисликка сайланмоқда. Мустақиллик, Бўстон, Орзу, Илоқ, Ёшлик, Бахт маҳаллаларида одиб борилаётган ишлар ижобий баҳоланди. Гулистон, Шодлик, Оқун-бобоев номили ўзини ўзи бошқариш идораларида

МАҲАЛЛАДОШЛАРГА МЕҲР ТУФАЙЛИ

янги номзодлар оқсоқолликка сайланди. Айтиш жоизки, қўрсатилган номзодлар халқ томонидан талабчанлик билан муҳожама қилинмоқда. Масалан, Дўстлик маҳалласидан қўрсатилган номзод йўққан овозлар етарли бўлмаганилиги учун сайлов қайта ўтказиладиган бўлди. Икки киши ўз номзодини қайтиб олди.

Ҳа, халқ ишончини қозониш осон эмас. Албатта, бундай демократик сайлов орқали сайланган раис, оқсоқол ёки маслаҳатчиларнинг жамият олдидаги масъулияти ошадди, ўзига бўлган ишончи ортади. Шу ўринда,

ўз ишининг фидойиси, маҳалладошларининг юксак ишончи туфайли учинчи мuddатта қайта сайланган Рисгул Мадамминова ҳақида сўзлаш кишига завқ беради. Мустақиллик маҳалласи шахардаги энг обод ва намуналик ҳисобланади. 654 та хонадон, 2237 нафар аҳолиси бўлган худудда Рисгулни «опа» дея ардоқлашади. Чунки, мана шу гўша бу аёл ҳаётининг бир бўлағи. Бу ерда яшовчи инсонлар эса унинг оила аъзоларига айланган. Туну кун халқ дарди билан яшайдиган Рисгулни хатто оғир хасталик ҳам севган ишидан айиролмади. Маҳалладошларига бўлган меҳр уни яна ҳаётга қайтарди.

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилда амалга ошираётган ишларимиз ўз самараларини бермоқда, — дейди у. — Бу йил маҳаллаимиз кўчалари ва хиёбон-

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА

Чирчиқ шахридаги Жалолиддин Мангуберди номили спорт мажмуасида республика мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан ёзги биатлон бўйича Сергей Ничепуренко хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтди.

Бу йил тўртинчи мартаба ўтказилган мусобақаларда республикамизнинг барча вилоятларидан келган 50 дан ортиқ спортчилар ишти-

рок этишди. Якуний натижаларга кўра ўғил болалар ўртасида Анузар Юнусов, қиз болалар ўртасида эса Дилафруз Имомхусанова биринчи

ўринни қўлга киритишди. Ҳалиларга ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совгалар ҳамда шу йил июнь ойида Қирғизистонда бўлиб ўтадиган ёзги биатлон бўйича Осиё чемпионатида иштирок этишга йўлланма берилди.

Отаёр ТОҒАЕВ.

Мустақилликнинг



2. ИСТИҚБОЛЛИ САНОАТ МАРКАЗИ

Ангрэндаги беҳисоб кўмир захираларини ўзлаштириш эвазига республика ёқилги-энергетика базасини мустаҳкамлаш мақсадидаги сай-ҳаракатлар натижасида «таваллуд топган» «Ангрэншахтстрой» ишчилар шахарчаси бугунги кунга келиб, sanoat ишлаб чиқаришининг йирик ва муҳим тармоқлари кенг ривожланган иқтисодий салоҳиятли шахарга айланди. Ҳозир шахарда 11 та sanoat корхонаси, 7 та кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Маҳсулот ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, товар айланмаси, машиини ва пулли хизмат кўрсатиш бўйича кейинги 5-6 йиллик натижалар таҳлили шундан далолат берадики, бу соҳалардаги ўсиш суръатлари барқарорлашган. Масалан, 2000 йилда жами 22 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 74,7 миллиард сўмга етди. Шу оралиқ даврда халқ истеъмоли моллари қарий икки баравар, товар айланмаси салкам тўрт баравар, пулли хизмат беш баравардан, машиини хизмат эса саккиз баравардан зиёддек ўсди. Шу йилнинг ўтган даврида эришилган натижаларга назар ташланса, бу жабҳаларда бир маромда ўсиш давом этаётганини кўриш мумкин.

Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг ўз фаолиятларини барқарор ривожлантириб боришлари учун ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва барча зарур шароитларни яратиш беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Савдо-саноат палатаси шахар филиали ўз фаолиятини палата-

нинг вилоят бошқармаси ҳамда шахар ҳокими томонидан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастури» асосида олиб бормоқда. Бозор инфратузилмасининг таълим, консалтинг, иқтисодий, юридик ҳамда ахборот хизмати кўрсатувчи тармоқлари изчил фаолият кўрсатмоқда.



— Айтиш жоизки, эндиликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари шахар иқтисодий тараққиотида ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда. — дейди филиал директори Улуғбек Холдибеков. — Бугунча рўйхатга олинган

Ангрэн шахри:

ЯНГИ КИЧИК ЯНГИ ФАЙРАТ БИЛАН

кичик бизнес корхоналари 900 тадан ошди. Бу корхоналар sanoat, қурилиш, транспорт, машиини хизмат тармоқларида, айниқса, муваффақиятли фаолият юритмоқда. Шунингдек, уларнинг ақсарияти савдо ва умумий оқватлаш тизимларини ривожлантиришга самарали ҳисса қўшмоқда.

2005 йилда ўзларининг хусусий корхоналарини барпо этиб, фаолият бошлаш истагини билдирган 205 нафар тадбиркор юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. Шунингдек, жисмоний шахс мақомида фаолият юритишни хоҳлаган 510 тадбиркор



«Ахборот-маслаҳат маркази» 2005 йилда бепул хизматлардан ташқари 1861 тадбиркорга 8 миллион 983 минг сўмлик пулли хизмат кўрсатди. Марказ таъсис ҳужжатлари ва рухсат гувоҳномаларини рас-

мадаги тадбиркорлар эса 283 нафарга етди. Савдо-саноат палатаси шахар филиали қошида ташкил этилган «Ахборот-маслаҳат маркази» фаол иш олиб бормоқда. Хусусий корхонасини очиб, фаолиятини бошлаётган тадбир-

корларга ҳужжатларни тайёрланган совғалар топширилди. — Сизларнинг Ватан, жамият олдидаги меҳнатларингизни ҳар қанча шарафласак оз, — деди уларнинг кутлаб вилоят ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибият мудири Индира Халимова. — Чунки, ҳар бирингиз танлов жараёнида муносиб оила бекаси, билимдон мураббий ва меҳрибон она эканлигингиз билан бирга, жамиятда муносиб ўринга эга эканлигингизни ҳам намойиш этдингиз.

Зулхумор ЗАБИХУЛЛАЕВА.
СУРАТДА: Чирчик шахри вакиллари ўз сахна кўринишларини намойиш этишмоқда.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

мийлаштиришдан ташқари кредитлар олиш учун ҳужжатлар тайёрлашда ҳам ёрдам бермоқда. Шу йўл билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларида шахар тижорат банклари томонидан 45 та тадбиркорлик субъектига 866 миллион 315 минг сўм кредит маблағлари ажратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъ-

ектларининг янги иш жойларини очиб ва ишсизликни камайтиришга қўшаётган ҳиссаси, айниқса, салмоқлидир. Жумладан, 2005 йил давомида улар томонидан жами 1734 та янги иш жойлари барпо этилган бўлса, шу йилнинг ўтган тўрт ойида 605 та иш жойи очилди. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, бу соҳада ҳам ўсиш барқарор эканлиги кўрсатилмоқда. Янги иш ўринлари асосан мавжуд корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш, кичик корхона ва микрофирмалар очиб, яқин тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига қўлайирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ангрэнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор ривожланиб, шахар иқтисодийнинг юксалиши ва фаровонлигини ошишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

«Ахборот-маслаҳат маркази» 2005 йилда бепул хизматлардан ташқари 1861 тадбиркорга 8 миллион 983 минг сўмлик пулли хизмат кўрсатди. Марказ таъсис ҳужжатлари ва рухсат гувоҳномаларини рас-

Болалар ёзи — 2006

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

тайёргарлик ишлари асосан якунланди. Дам олиш хоналари, ошхоналар ва бошқа бинолар керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Лекин мавжуд оромгоҳларнинг бугунги ҳолатларини, уларнинг озик-овқат, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланишини ўрганиш юзасидан ташкил этилган вилоят ишчи гуруҳи аъзолари ўтказган текширишлар чоғида мана шу оромгоҳда ҳам муайян камчиликлар аниқланди. Жумладан, чиқинди сувларини марказлашган канализацияга оқизиш тармоғи барпо этилмаган. Туман санитария-эпидемиология назорати маркази ходимларининг хулосасига кўра, бусиз оромгоҳни ишга тушириб бўлмайди. Аниқланган камчиликларни барпо этиш учун 2 километр масофада қурилиш ишларини олиб бориш лозим бўлади. Афсуски, бирлашма томонидан чиқиндилар чиқариб ташланган мана шундай тармоқни барпо этиш учун маблағ ажратилиши кўзда тутилмаган.

Ишчи гуруҳи аъзолари Паркент туманидаги «Бойчечак» ва «Сумча», Ангрэн шаҳридаги «Ўзбекқўмир» очик акциядорлик жамиятининг «Коинот» оромгоҳларида ўтказган мониторинг текширишлари ҳам бу масканларни мавсумга тайёрлаш жараёнида жиддий камчиликлар юз бераётганлигини кўрсатди. Жумладан, уларни ободонлаштириш ишлари хануз чала-чупла. Чўмилиш хавзаси, стадион тартибга солиниб таъмирлаб қўйилмаган, ошхоналарни жиҳозлаш ишлари охирига етказилмаган. Ўтказилган текширишлар ақсарият ҳолларда тиббиёт хоналари мавсумга тайёр эмаслигини, таъминлаш-жиҳозлаш ишлари кечикиб кетаётганлигини кўрсатди. Чунончи, «Коинот» оромгоҳида ошхонанинг янги биносидан олиб борилаётган қурилиш ишлари эндигина 50 фоизга баҳарилган, холос. Бу ёрдам оқватлаштириш ишлари умуман талбага жавоб бермайди.

Маълумки, ёзги мавсумда 165 бола дам олиш мўлжалларида «Ўзал» оромгоҳи хусусийлаштирилган. Лекин бу ёрда ҳам болаларни ёзга дам олдириш ишларига тайёргарлик кечикиб кетмоқда. Янги идиш-товоклар олиш, ётоқхоналарни жиҳозлаш пайсалга солинмоқда. Энг ачирлиси шундаки, тоғли минтақада жойлашган бу оромгоҳга олиб борувчи

Болалар ёзи бошланмоқда. Уни қандай ўтказиш ўзимизга боғлиқ. Мутасадди ташкилотлар, касаба кўмиталари ва жамоат ташкилотлари болаларни ёзга дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумини ташкил этишга сидқиқидан киришишлари, бунинг учун маблағни ҳам, бошқа моддий ресурсларни ҳам асло аямасликлари керак.

Абдумутал АСРОПОВ, вилоят ҳокимлиги иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича котибият мудири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Танлов

БАРКАМОЛ АВЛОД МУРАББИЙЛАРИ

«Аёл — баркамол авлод мураббийи» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудудларо босқичларда голиб чиққан 7 нафар иштирокчи катнашди.

Иштирокчилар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти тўғрисидаги тушунчалари, ҳуқуқий, тиббий билимлари, маданий ва маънавий дунёқарашлари кўламини намойиш этишди. Кейинги маданияти, оилада қайнона-келин муносабатлари, хорижа бориб ишлашни орзу қилувчи ва диний экстремизм оқимида мойил ёшлар ҳаёти ҳақида улар ижро

этан сахна кўринишларини томошабинлар ҳаяжон билан кузатиб боришди. Қўйиччилик Амона Холиқованинг «Ўзбек онаси», янгийуллик Машқара Мавлонованинг «Дўпги тижим» мавзусидаги чиқишлари кўпчиликаманзур бўлди. Чирчилик Мўртабар Эргашева эса ҳам шеърят, ҳам ракс, ҳам кўшиқ шайдоси эканлигини намойиш этди. Буқалик Дилором Ар-

лонова ижросидаги халқ лапарларини томошабинлар жўр бўлиб ижро этишди. Яқини натижаларга кўра, Бўка туманидаги 29-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Дилором Арслонова танлов голибаси деб топилди. У республика босқичида вилоят шарофити ҳимоя қилиш ҳуқуқини кўлга киритди. Иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Шу кун иқтисодий ривожлантириш шахар, туман босқичларида голиб чиққан 21 нафар қатнашчига «Экосан» ва «Наврўз» жамғармалари томонидан

тайёрланган совғалар топширилди. — Сизларнинг Ватан, жамият олдидаги меҳнатларингизни ҳар қанча шарафласак оз, — деди уларнинг кутлаб вилоят ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибият мудири Индира Халимова. — Чунки, ҳар бирингиз танлов жараёнида муносиб оила бекаси, билимдон мураббий ва меҳрибон она эканлигингиз билан бирга, жамиятда муносиб ўринга эга эканлигингизни ҳам намойиш этдингиз.

Зулхумор ЗАБИХУЛЛАЕВА.
СУРАТДА: Чирчик шахри вакиллари ўз сахна кўринишларини намойиш этишмоқда.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини

ТАДБИР КЕТИДАН ТАДБИР

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида амалга оширилаётган хайрли тадбирлардан бири вилоятнинг Янгийул туманидаги Гулбахор шахарчасида бўлиб ўтди.

Вилоят шахар ва туманларидан келган 210 нафар боланинг ҳар бирига 90 минг сўмлик Президент совғалари топширилди.

Тадбир давомида барча спорт турлари бўйича беллашувлар ташкил этилди. Унда вилоят ва туман болалар спортини



ривожлантириш жамғармалари фаол иштирок этишди.

Сайёра ЭШМАТОВА.
СУРАТЛАРДА: совғаларни топшириш пайти.
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Бу ҳақда вилоят фаоллари йиғилишида гапирилган эди

Маҳсулотни экспорт қилиш мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Чунки, у валюта захирасини бойитишнинг энг ишончли йўли ҳисобланади. Бу эса халқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишида, айниқса, sanoatни ривожлантириш, илгор техника ва замонавий асбоб-ускуналарни харид қилиб, жорий этиш имконини кенгайтиради.

Республика Президентининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқинлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб Вазирлар Мақамасида ўтказилган мажлисдаги маърузасида бу муҳим ишга яна бир бор эътиборни қаратиб «... экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта захираларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш» вазифасини қўйди.

Вилоятимизда ҳам давлатимиз раҳбарининг шу кўрсатмаларига амал қилиб, аввало ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Импорт ўрини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, уларнинг сифат ва бошқа барча техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича чет элларда тайёрланган маҳсулотлар билан бемалол рақобат қиладиган турларини, яъни экспортбонларини яратиш, уларни ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланиб, таннархини арзонлаштириш-

га ҳаракат қилинмоқда. Шу туфайли ташқи иқтисодий алоқаларда экспорт ҳажми ортиб бораёпти ва ташқи ганлигидадир. Чунончи, Чирчик, Бекобод ва Янгийул шахарларида sanoat маҳсулотини чет элларга ҳўжатишда ўтган йилдаги натижага ҳам эришилмади. Айрим туманлар ва корхоналарда ҳам шундай ҳолатга йўл қўйилди. Олмалик ва Охангарон шахарларида бу масалага жиддий муносабатда бўлинганлиги учун экспорт қилинган маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг биринчи чорағига нисбатан сезиларли кўпайди.

Ҳаракат қилинмоқда. Шу туфайли ташқи иқтисодий алоқаларда экспорт ҳажми ортиб бораёпти ва ташқи ганлигидадир. Чунончи, Чирчик, Бекобод ва Янгийул шахарларида sanoat маҳсулотини чет элларга ҳўжатишда ўтган йилдаги натижага ҳам эришилмади. Айрим туманлар ва корхоналарда ҳам шундай ҳолатга йўл қўйилди. Олмалик ва Охангарон шахарларида бу масалага жиддий муносабатда бўлинганлиги учун экспорт қилинган маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг биринчи чорағига нисбатан сезиларли кўпайди.

Ҳаракат қилинмоқда. Шу туфайли ташқи иқтисодий алоқаларда экспорт ҳажми ортиб бораёпти ва ташқи ганлигидадир. Чунончи, Чирчик, Бекобод ва Янгийул шахарларида sanoat маҳсулотини чет элларга ҳўжатишда ўтган йилдаги натижага ҳам эришилмади. Айрим туманлар ва корхоналарда ҳам шундай ҳолатга йўл қўйилди. Олмалик ва Охангарон шахарларида бу масалага жиддий муносабатда бўлинганлиги учун экспорт қилинган маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг биринчи чорағига нисбатан сезиларли кўпайди.

ХОРИЖГА ЧИҚИШ ОСОН ЭМАС

Илнинг дастлабки ойида чет эллик буюртмачиларга ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан уч баравардан ортиқроқ sanoat маҳсулотлари юборилди. Унинг асосий қисми қимматли буюмлар бўлиб, цемент ва шифердир. Шунингдек, Оққўрғон, Қибрай, Юқоричирчик, Паркент, Чиноз ва Янгийул туманлари sanoat корхоналари ўтган йилдаги қараганда силжишга эришдилар. Бекобод, таъкидлаш жоизки, Бекобод шахридаги «Колоос Юпитер» ва «Бекобод ўтга чидамли», Чирчиқдаги «Сервисмаркази» ва «Экотехноложи» кўшма корхоналари, Қибрай туманидаги «Силтекс» маъсуляти чекланган жами-

лохиятини кучайтириш учун қишлоқ ҳўжалиги, айниқса, сабзавот ва поллиз маҳсулотларини хориж бозорига кўпроқ чиқариш имкониятларини ишга солиш лозим. Чунки, бу ҳам иқтисодий-иқтисодий ривожланиш учун ниҳоятда зарур бўлган валюта тушумининг ишончли манбаларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу йилнинг биринчи чорағида бу иш кўнглидагидек олиб борилмади, бор-йўғи 4,3 минг тонна сабзавот маҳсулотлари четга чиқарилди. Бу назарда тутилганидан саккиз баравар камдир. У ҳам асосан жисмоний шахслар улушига тўғри келди. Жамоа ва фермер ҳўжалиқларининг

хиссаси деярли бўлмади. Чет элдан инвестициялар жалб қилиб барпо этилган ва юқори технология асосида ишлашга мўлжалланган кўшма корхоналар ҳам мавжуд қувватлари даражасида ишламаётдилар. Ваҳоланки, бу экспорт ҳажмини кўпайтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиши керак.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари, вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо ҳудудий бошқармаси sanoat корхоналари, ҳўжалиқлар, хизмат кўрсатиш ташкилотлари биринчи чорағида йўл қўйилган камчиликларни қайтармаслик, экспорт бўйича белгиланган режаларнинг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни қўришлари лозим. Сабазавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун чет эллик хариддорларни топиб, улар билан фермер ҳўжалиқлари ўртасида савдо алоқасини ўрнатилга қаратилган тадбирларни кучайтириш зарур.

Хорижга чиқиб, халқаро бозорда мустаҳкам ўрин эгаллашнинг ўз мураккабликлари ва машаққатлари бор. Шунинг учун экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажми ва турини кўпайтиришда уларнинг жаҳон мезонлари даражасида бўлишига эришиш давр талабидир.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Қарор ва ижро

ҚУТ-БАРАКА АРИМАЙДИ

Қибрай туманидаги Муқимий номли маҳаллада истиқомат қилувчи 1-гурӯх ногирони Муслим Раҳмонов атрофидаги саховатли инсонларнинг эътибор ва гамхўрлигини ҳамisha ҳис этиб яшайди.

Айниқса, шу кунларда отанинг кўнгли беҳад шод. Мамлакатимиз раҳбарининг махсус қарори ҳамда Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Муслим Раҳмонов хонадонига бир бош сигир туҳфа этилди.

— Орадан ҳафта ўтмай жонивор бузоқча туғиб берди, — дейди уй соҳиби. — Энди рўзгоримиздан оқлик, қут-барака аримайди. Бу хайрли ташаббусни бошлаганлар кам бўлмасин, минг раҳмат. Ш. ҒАЙРАТОВ.

Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қарор аграр соҳадаги ислохотларни янада ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент туманида қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш, эҳтиёжманд, кўп болали оилаларнинг 40 дан ортиғига ҳомий-

лар ва хайрия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан соғин сигир бериш режалаштирилган. Шу кунгача ана шундай оилалардан саксон бештасига қорамол тарқатилди. Бу хайрли ишда фермер хўжалиқларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан туманда иккита замонавий зооветеринария пунктлари ташкил этилди.

У.А.



ФЕРМЕР ҲОСИЛДАН ХУРСАНД

Вилоятимизнинг бошоқли дон етиштириладиган барча туманларида ғалла ўрним-йиғимига тайёргарлик қизгин давом этмоқда. Хусусан, Бўка туманидаги «Учқун» фермер хўжалиги аъзолари ҳам 45 гектар майдонда бугдой етиштириб, ўрним тараддудини кўришмоқда.

Утган йилги даромадимиздан фаолиятимиз учун зарур бўлган техника воситаларини харид қилдик. Улар ёрдамда иш унуми ошиб, самарадорлик кўтарилди. Бу йилги ҳосилимиз ҳам чакки эмас. Насиб қилса, кўзланган мақсадимизга эришамиз. СУРАТДА: (ўнгдан иккинчи) фермер Абдуқаҳҳор Ғаффоров хўжалик аъзолари билан. Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Қишлоқ мулкдорлари

КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР АНИҚ

Оққўрғон туманидаги «Бурхон» фермер хўжалигининг иш бошлаганига 12 йилдан ошди. Бу давр ичида ер майдони 50 гектарга, ялпи даромади 34 миллион сўмга етди. Шунга яраша аъзоларнинг йиллик даромади ўртача бир ярим миллион сўмдан ошмоқда.

— Хўжалик туманимиз илғорларидан, — дейди туман фермерлар уюшмаси вакили Абдусамид Сафоев. — Бу йил улар 23,4 гектарда ғалла, 22,9 гектарда пахта ва 3 гектар майдонда сазавот етиштирмоқда.

Фермер хўжалиги аъзолари Жаббор Азимов, Зайнобиддин Тўраҳужаев, Шахноза Қурбонова, Қушиша Сафарова, Ирода Саторова, Дилрабо Қурбонова ва механизаторлар Бунёд Қурбонов, Сайдулла Исломов эртанги муваффақиятни кўзлаб астойдил меҳнат қилишмоқда. Улар ғалладан режадаги 4,5 ўрнига 6 миллион, пахтадан 19 ўрнига 24 миллион, сазавот маҳсулотларидан 2,5 ўрнига 3,6 миллион сўм даромад олишни мақсад қилишган.

Пардабой ЭРҒАШЕВ.

Пилла – 2006



Мавсум яқин

ҒАЛЛАЗОРДА ЧЕКМАНГ

Ёнғин тилсиз ёв эканлиги ҳаммага маълум. Ғалла ўрним-йиғими даврини талафотсиз ўтказиш учун ёнғин хавфсизлиги қондалари тўлиқ риоя қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Аввало, техника воситаларни ёнғинга қарши тайёрлаш, мавсумда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар шахсларни тайинлаш, ғалла майдонларини кўриқлаш учун кузатувчилар ажратилиши керак.

Барча техника воситаларининг ўрним-йиғимга тайёргарлиги хўжалиқларда тузилган махсус комиссия томонидан давлат ёнғин назорати ходимлари иштирокида текширилади. Тракторчи, комбайнчи, уларнинг ёрдамчилари ва мавсумга жалб қилинган масъул ходимлар ёнғинга қарши махсус йўриқнома билан танишиш-

лари шарт. Акс ҳолда уларнинг мавсумда қатнашиши катъиян ман қилинади. Мавсумда ишлатиладиган техника ҳамда транспорт воситалари учкун ўчиргич ва бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан жиҳозланиши лозим. Ғалла майдонлари бир комбайннинг кунлиги иш улушига қараб пайжалларга бўлини-

МУНОСИБ БАҲО

Ўртачирчиқ тумани пилла ишлаб чиқариш шўба корхонаси шу кунгача шартнома режасидаги 123,8 тонна ҳосилнинг 70 фоизини қабул қилиб олди.

Илғор пиллакорлар туман ҳокимлиги ҳамда вилоят мутасаддилари томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Икки кунти қурт уруғидан 130-170 килограмм пилла етиштирган «Ҳақиқат йўли» ширкат хўжалигидан Раҳмон Уринбоев, Дилфуза Бўронбоева, бир кунтидан 60 килограмм «қумуш тола» олишга эришган Мавлуда Мирафзалова сингари пиллакорлар меҳнатига юксак баҳо берилди.

— Ҳукуматимиз томонидан тар-

моқни ривожлантиришга эътибор янада кучаймоқда, — дейди туман пилла ишлаб чиқариш шўба корхонаси раиси Турсунбой Туронқулов. — Шу мақсадда биз бу йил 25 гектар янги тўтзор яратдик. Бундан ташқари 8 гектар майдондаги тўтзорлар қайта тикланди.

Мунаввара РАҲАББОВ ҚИЗИ. СУРАТДА: мўл ҳосилдан нишона. Муаллиф олган сурат.

вактинчалик сақлаш хирмонлари ва омборлари ғаллазорлардан 100 метр, бошқа бино ва қурилмалардан эса, 50 метр узоқликда жойлаштирилади. Уларнинг атрофи қуруқ ўтлардан тозаланиб, тўрт метр кенликда шудгорланади. Хар икки юз квадрат метр майдон битта кимёвий ўт ўчиргич, 200 литр ҳажмли бочкада сув ва челек билан таъминланиши зарур.

Ўрним мавсумида кўнгли ўт ўчириш гуруҳларидан кузатувчи-навбатчилар тайинланиши, дала шийпонлари ёнғин ҳақида хабар беришчи воситалари (сирена, сигнал ёки темир парчалари) билан таъминланиши шарт.

Барно СОДИКОВА, вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси нозир.

АҲОЛИ МАМНУН

Аҳолининг тоза ичимлик сувга бўлган талабини янада қондириш мақсадида Пскент туман сув тармоқлари корхонаси ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Корхона томонидан жорий йилнинг беш ойида Пскент шаҳридаги носоз сув тармоқлари таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Махсус мактаб интернатдаги ичимлик суви қувурларини янгилашга етти миллион сўм сарфланди. Шунингдек, иккита сув қудуғи қазилиб, насос ўрнатилди, натижада «Майлибод» маҳалласи тоза ичимлик суви билан мунтазам таъминланиш имкониятига эга бўлди.

Шерқўзи ИМОНОВ, «Туркистон-пресс».

Украина пойтахтида ўтаётган 14-Киев халқаро автосалони – SIA 2006 павильонларида дунёнинг 30 мамлакатидан қарийб 900 та компания ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Янги русумдаги кўплаб автомобиллар учун ўзига хос старт майдончасини ўтовчи бу кўриқдан сўнг унда намойиш этилган аксарият автомобиллар Украина йўлларига чиқади.

Ўзбекистон автомобиллари Киев автосалонида

«Украина Экспокаркизи» да машҳур Aston Martin DB9 Coupe, Citroen C6, Dadi Shuttle, Ferrari 612 Scaglietti, Hyundai Accent, Nissan 350 Z автомобиллари билан бир қаторда «ЎзДэуАвто» корхонасида ишлаб чиқариладиган «Нексия» ва «Матиз» лар ҳам намойиш этилмоқда. Ўзбекистон маҳсулотлари кўргазма марказининг энг йирик павильонига жойлашган бўлиб, улар украинлик мутахассис ва автомобилсозлар томонидан энг катта қизиқиш билдирилган экспозициялардан бири бўлди.

Юртимиз автомобилсозлари мазкур нуфузли кўриқда иккинчи маротаба иштирок этишаётир. 2003 йили бу ерда «Матиз» лар билан бир қаторда Самарқанд автосалонининг «Ўз-Отайўл» автобуслари ва улар шассиси негизда бўнёд этилган «нон ташувчи» машинаси, ўт ўчириш маши-

наси ҳамда эвакуатор намойиш этилган эди. Айтиш жоизки, Украинада «Нексия» ҳамда «Матиз» ларга бўлган талаб катта ва у мунтазам равишда ошиб бормоқда. Жорий йили Украина бозорига сотилган ўзбек автомобилларининг сотилиши ҳамми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан беш баробарга ошган.

«Жаҳон» АА.

Мустақилликнинг 15 йиллиги

3. МАҲСУЛОТНИНГ ҲАНДАН БИРИ ЭКСПОРТГА

Ангрэн деганда маҳобатли кўмир конлари кўз олдимизда гавдаланади. Бу бежиз эмас. 1948 йилда «Ангрэн» разрезининг фойдаланишга топширилиши билан нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик кўмир санати ривожига мустақкам пойдевор қўйилди. Ушандан буён замонавий кўмир қазииш технология ва техникалари ишлаб чиқаришга изчил жорий этиб борилди. Бу жараён тармоққа оид жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич амалга оширилди.

Оралик даврда ўзимизда ишлаб чиқарилган дастлабки русумдаги оддий ва одимловчи экскаваторлар ўрнига замонавийлари жалб этилди, конвейер линиялари янги, қудратлилари билан алмаштирилди, юксак унум билан ишлайдиган бургулаш дастгоҳлари жорий этилди. Кейинги йилларда ЭКГ-8И, ЭКГ-15, ЭКГ-4У каби энг янги экскаваторлар ва катта ҳажмдаги юкларни кўтарадиган думпкалардан фойдаланишга ўтилди. Натижада кўмир қазииш чиқариш қарийб бир ярим баравар кўпайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганлиги муносабати билан кўмир қазииш чиқариш тармоғини техник жиҳатдан босқичма-босқич қайта қуроллантириб боришининг 2002-2010 йилларга мўлжалланган навбатдаги дастури ишлаб чиқилди. Республика кўмир саноятини янада ривожлантиришга қаратилган ушбу дастурга мувофиқ соҳа корхоналарини янги техника ва технологиялар билан қайта қуролланти-

риш олти босқичда амалга оширилади. Тармоқни босқичма-босқич модернизацциялаб бориш мақсадида АҚШ, Япония, Германия каби ривожланган мамлакатларнинг қатор фирма ва компаниялари билан фаол иш олиб борилди.

Тоғ-кон саноятига оид янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш-



да дунёда етакчи ҳисобланувчи немис компаниялари билан ҳамкорлик, айниқса, яхши самаралар бераяпти. Хозирги кунда

Ангрэн шаҳри:

ЯНГИ КҮЧ ЯНГИ ҒАЙРАТ БИЛАН



СУРАТЛАРДА: «Санатқалинқозғасавдо» ОАЖ мутахассислари янги маҳсулотни кўздан кечиришмоқда; (ўнгдан) «Ангрэн кўмир кони» директори Владимир Боднар 1-участка жамоаси билан навбатдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.

ётган «Тиссен Крупп» ва «МАН ТАКРАФ» концернлари билан ҳамкорликда ишламоқда.

Ангрэнлик кончилар истиқболга катта умид ва катъий ишонч билан қарамоқдалар. Кўмир қазииш чиқариш топшириқлари хар йили ортиғи билан бажарилмоқда. Жумладан, 2005

йилги режа 109,7 фоиз қилиб адо этилди. 2002-2010 йилларга мўлжалланган тармақдаги дастури амалга оширилган, республика хар йили қазииш чиқариладиган кўмир 9,4 миллион тоннага етади.

Ангрэнда иқтисодий ислохотларни бозор талаблари даражасида чуқур ва изчил амалга ошираётган корхоналар ҳақида гап борганида биринчи бўлиб «Санатқалинқозғасавдо» очик акциядорлик жамияти тилга олинади. Ҳақиқатан ҳам бу корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун курашда бошқа меҳнат жамоаларига хар жиҳатдан

ўрнатилди. Шунингдек, иккита сув қудуғи қазилиб, насос ўрнатилди, натижада «Майлибод» маҳалласи тоза ичимлик суви билан мунтазам таъминланиш имкониятига эга бўлди.

Шерқўзи ИМОНОВ, «Туркистон-пресс».

Шарҳловчи минбари

ИНДОНЕЗИЯДА ЕР СИЛКИНДИ

Индонезиянинг Ява оролида қучли ер силкиниси рўй берди. Зилзила Рихтер ўлчови бўйича 6,2 баллини ташкил қилди. Табиий офатдан қурбон бўлганлар сони 5 мингдан ошган, деб хабар тарқатмоқда РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Зилзила маркази Ява оролидаги Жокьякарта шаҳри яқинида бўлган. У мамлакатдаги энг йирик шаҳарлардандир. Шаҳарда 4 миллиондан ортик аҳоли истиқомат қилади. Айтиш жоизки, бундан ташқари, Жокьякартадан 30 километр шимолда Мерапи вулкони ҳаракатга келган. Соҳа мутахассислари бу воқеанинг ер силкиниси билан алоқаси йўқлигини айтмоқда.

Индонезия президенти Суило Бамбанг Юдойоно табиий офат рўй берган ҳудудга келди. У зилзиладан азият чеканларга ҳамдарлик билдириб, уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатилишини айтди.

Индонезия асосан ороллاردан ташкил толган мамлакат бўлиб, Тинч океанининг сейсмик фаол минтақасида жойлашган. Шу боис зилзила бу ерда тез-тез рўй бериб туради. Бу галги ер силкиниси мамлакат учун миллий фожиага айланди. Айтиш жоизки, бу ерда жамияти Индонезияга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатмоқда.

Фазлиддин АРЗИЕВ, УЗА шарҳловчиси.

Ангрен шаҳри:

ЯНГИ КҮЧ ЯНГИ
ФАЙРАТ
БИЛАН

4. МАЪНАВИЯТ ЧАШМАЛАРИ
КҮЗ ОЧАВЕРАДИ

Сўлим тоғлар бағрида жойлашган Ангрен нафақат кончилар ва саноатчилар шаҳри. Бу ерда маданият, маърифат, таълим ва спорт соҳалари ҳам кенг ривожланган.

— Ҳозирги кунда, — дейди шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими мудири ўринбосари Оқилхон Эшоннаев. — 8 та маданият уйи, 17 та кутубхона, учта болалар санъат мактаби, 2 та мусиқа мактаби, ўлкашунослик музейи, В. Уфимцев номидаги расмлар галереяси, Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи, «Кимёгар» ўйингоҳи, бокс саройи, стол теннис клуби шахарликларнинг онгли, маданий ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

А. Пругло Мухтор Ашрафий номидаги республика танловида биринчи ўринни эгаллади. 1-болалар санъат мактаби ўқувчиси Е. Волочков эса Қори Ёқубов номидаги республика кўрик-танловида совринли иккинчи ўринни кўлга киритди.

Шаҳар кутубхоналари фонди йилдан-йилга бойиб бормоқда. Ҳозир китоблар сонини қарийб 650 минг нусхага етди. Кутубхоналар-



СУРАТЛАРДА: шаҳардаги касб-хунар коллежлари талабалари ўртасида давом этаётган шахмат-шашка мусобақаларидан лавҳа; «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида совринли натижаларни қайд этган ангрэнлик ўқувчилардан бир гуруҳи.

нинг доимий мижозлари 17300 кишидан ошди. Бугунги кунда шаҳар халқ таълими тизимида 40 та умумий ўрта таълим мактаби, 3 та мактаб-интернат

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ
15 йиллиги

лим мактабида республика Халқ таълими вазирига ва Ўзбекистон банкар уюшмасининг қўшма қарорига

раши зали, республика ўқув-машғулот базаси ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спорт мажмуалари



асосан 9-, 10-, 11-синфларда банк ишларида иختисослаштирилган 3 та синф ташкил этилди. Республика «Камолот» ёшлар ихтимойи ҳаракати шаҳар кенгаши ўз фаолиятида ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларини таъминлаш, қизиқишлари бўйича турли йўналишларга жалб этиш, айниқса, иш билан банд қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қарамоқда. Хусусан, шаҳардаги 8 та касб-хунар коллежи, битта академик лицей, 48 та умумий ўрта таълим мактабидан кенгашининг бошланғич ташкилотлари тўғрисида, улар фаол иш юритмоқда.

Ёшларнинг спортга оммавий жалб этиш тадбирлари аниқ дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Бунинг учун шаҳардаги мавжуд спорт иншоотларида яратилган имкониятлардан самарали фойдаланилган. 10 минг мулкчи мўлжалланган ва «Делфин» ёпиқ сузиш ҳавзасига эга бўлган «Кимёгар» спорт мажмуаси, шаҳар шахмат-шашка клуби, бокс саройи, «Динамо» махсус бокс зали, «Кэмпо» шарқ яққа к-

доммо шугулланувчилар билан гавжум, Мунтазам ташкил этилаётган футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, кураш, бокс мусобақаларида 10 мингдан зиёд ёшлар фаол иштирок этиб, маҳоратларини ошириб бормоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» республика спорт ўйинларида иштирок этаётган вилоятимиз терма жамоалари сафида ангрэнлик спортчилар кўпчилигини ташкил этади. Жумладан, бу йил Қашқадарё вилоятида ўтказилган «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақалари республика финал босқичида 14 нафар ангрэнлик мактаб ўқувчилари иштирок этиб, улардан Элдор Рўзиев ядро улоқтириш бўйича олтин, Илёс Абдуллаев яқин масофа ва Ольга Қоротқич тўсиқлар оша югуришда, Кристина Вакуленко узунлик сакрашида бронза медалларини кўлга киритишди.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Мунаввара ИСОКУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

ОРЗУЛАРИМ ТИЛДАМАС, ДИЛДАН,
ИЛК ҚАДАМ

Оққан дарё қайтмайди ортига ҳеч, Ҳар фарзанд ҳам тортмайди зотиға ҳеч, Етмасангда муҳаббатнинг тотиға ҳеч, Инсофли бўл, ҳаёт бахтни қизганмайди.

Чирок ёнар тепамда майин, Нурлар гўё қўлимдан тортар, Нима учун қундан-қун сайин, Шейр битишга илхосим ортар.

Ҳавас қилгин доим иши қойилларга, Ҳамроҳ бўлма, ёмонликка мойилларга. Билмай айтмас, ишонавер оқилларга, Инсофли бўл, ҳаёт бахтни қизганмайди.

Шоирларга келди ҳавасим, Шояд гулдек бўлса нафасим, Интиландек тоғларга насим, Шейр битишга илхосим ортар.

Умр қисқа, ўйла, сандан нима қолар, Мушти зўрлар, темир қўллар бир кун толар. Гуноҳингчун солса ҳаёт қайғу солар, Инсофли бўл, ҳаёт бахтни қизганмайди.

Ҳаёлларим қилиб жамул-жам, Шейр қасрига жунадим илдам. Орзуларим тилдамас, дилдан, Шейр битишга илхосим ортар.

Яхшилик қил, яхшиликдир сўлмас гунча, Шу ишинг то соябондир ўлгунингча. Улуғ юрсин яхши номинг инсон ичра, Инсофли бўл, ҳаёт бахтни қизганмайди.

Тунни кунга улайман энди, Уйқуларни қулайман энди, Қўклам каби гулайман, энди Шейр битишга илхосим ортар.

Дилшодбек ХУСАНОВ, Паркент тумани, 1-мактаб ўқувчиси.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ЯПОНИЯ — ОСИЁНИНГ ЯНГИ ЧЕМПИОНИ!

21-27 май кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида футбол бўйича ўтказилган VIII Осие чемпиоанти муваффақиятли аянуланди. Унинг финалида Ўзбекистон ва Япония терма жамоалари учрашди.

Финал учрашувида япониялик футболчилар айни пайтда Осиеда энг кучли эканини исботлашди. Олтин медаль учун ўтказилган беллашувида Ўзбекистонлик футболчилар рақибга жиддий қаршилик кўрсатди. Иккинчи бўлимда гол ўтказиб қўйган ҳамюртларимиз хужумга зўр берди. Бирок, қарши хўрм тактикасида ўйнаган японияликлар Рустам Умаров қўриқлаган дарвозани иккинчи маротаба аниқ нишонга олди. Гарчи рақиб жамоа икки гол фарқи билан олдинда бораётган эса-да, футболчиларимиз японияликлар билан тенгма-тенг ўйнаётган эди. Лекин, ана

шу паллада терма жамоамиз мураббийлари дарвозабонни бешинчи ўйинча алмаштиришга қарор қилди. Бундан унумли фойдаланган Япония терма жамоаси бўш қолган дарвозани яна уч марта аниқ нишонга олди. Футзалчиларимизнинг мағлубиятига сабаб бўлган бу тактика атиги бир бор ўз самарасини берди — Анвар Мамедов ягона жавоб тўпини Япония терма жамоаси дарвозасига йўлади. Шундай қилиб, Япония терма жамоаси илк маротаба Осие чемпиоантигини кўлга киритди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

«МЕТАЛЛУРГ»НИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича мамлакат миллий чемпионати олий табақасида навбатдаги 11-тур учрашувлари ўтказилди.

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Металлург» пешқадамлари таъкиб қилаётган «Нефчи» жамоасини ўз майдонида қабул қилди. 37-дақиқада Б. Умаров ҳисобини очди. Танафусдан сўнг жамоалар рақиб дарвозасига биттадан тўп киритдилар. «Металлург» чемпионатдаги учинчи ғалабасини кўлга киритиб, оқоларини 12 тага етказди ва «Қизилқум», «Локомотив», «Шўртан», «Самарқанд-Д» жамоаларини ортда қолдириб, ўйинчи ўринга чиқиб олди.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Шўртан» — 3:2, «Бухоро» — «Сўғдиёна» — 3:0, «Хоразм» — «Андижон» — 0:3, «Самарқанд-Д» — «Трактор» — 0:1, «Қизилқум» — «Пахтакор» — 0:1, «Навбахор-Н» — «Тупаланг» — 1:0, «Машъал» — «Локомотив» — 4:1. Навбатдаги 12 тур учрашувлари 2, 3, 4 июнь кунлари бўлиб ўтади. «Металлург» «Трактор» жамоаси билан баҳс юритади.

Талъат ЮСУПОВ.

Шундан кейин

БИТТАСИ ҲАМ ОРТИҚЧА

Бавария ҳукумати Германия худудидида сўнгги 170 йил мобайнида илк бор пайдо бўлган ягона айиқни овлашга рухсат берди. Ҳукумат фироқга кўра, бу жонивор одамлар ҳаёти учун ҳафз тугдириши мумкин. Охири кунларда у етита қўйни саранжомлашга улгурди.

УНДАН ЁШИ ЙЎҚ

Бректон Билберей исмли 7 ёшли болақай Алькатрас ороли ва Сан-Франциско оралигадаги масофани сузиб ўтишга муваффақ бўлди. У мазкур йўналишни забт этган энг ёш сузувчи сифатида тан олинмоқда. Дарвоқе, худудидаги собиқ камоҳхона билан машҳур Алькатрас ороли ва Сан-Франциско орасининг узунлиги 2,25 километрни ташкил этади.

МЎРҚОН РАСАДХОНА ЭМАС

АҚШнинг Калифорния штатидаги Броули шаҳри тасури хизмати ходимлари ҳужумий уйларида бирига ўғриликка ушшоқчи бўлиб, тор жойда тикилиб қолган кишини мўрқондан тортиб олишди. Ут ўчирувчилар нарвони орқали амаллаб юқорига чиқиб олган 27 ёшли бу кимса тунда бировнинг томига юлдузларни томоша қилиш учун чиққани ва эҳтиётсизлик туфайли мўрқонга тушиб кетганини айтиб, полициячиларни ишонтирмоқчи бўлди.

БАЛИҚЛАР ТЎП СУРГАНДА

Япониянинг Йокогама шаҳридаги денгиз кўргазмасида балиқлардан иборат икки жамоа ўртасида футбол беллашуви ўтказилди.

Кўк жарроҳ-балиқлар ва сарик зебралоқлар ўртасидаги бу ғалати учрашув ташкилотчилари балиқларни остига дарвозаларни бор футбол майдончаси қурилган аквариумга қўйиб юбордилар, махсус жихозланган ҳурак эса тўп вази-фасини ўтади.

Республика юридик академик лицейи томонидан 2004 йилда Убайдуллаев Ботиржонга берилган L 008823 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юқоричирик туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2001 йилда Исқандарова Дилнозага берилган 0875461 рақамли 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳурматли қишлоқ хўжалик меҳнатқашлари! «MOLSEM GROUP» масъулияти чекланган жамияти Тошкент шаҳридаги омборхоналардан эртапишар F1 Молдавия селекция гибридларининг маккажўхори уруғларини етказиб беришни тақлиф этади. Гибрида боғлиқ ҳолда пишиб етилиш давр 75-77 кунлар. Дон ҳосилдорлиги гектаридан 60-90 центнер, силос массаси — гектаридан 400-500 центнер. Дон таркиби 10,6% оқсил, 3,9% ёғ ва 71,4% крахмалдан иборат. Маккажўхори уруғлари сараланган, инскрустацияланган, ROYL FLO 42 S фунациди билан дориланган ҳамда 25 кг. ҳажмдаги қоғоз қопларга жойланган. Ишонгизга ҳурмат ва эҳтиром билан «MOLSEM GROUP» директори Валентин Будяну. Манзил: Тошкент 700000, Пушкин кўчаси, 59-уй. Телефон: (+99871) 137-11-67, факс: (+99871) 137-11-49.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ШАНБА 3

- ЎЗБЕКИСТОН 1tv 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 6.00-8.35 «Ахборот» 8.40 Олтин мерос 8.50 1-«Олтин тоғ», 2-«Шумтақалар» 9.40 Биржа ва банк хабарлари 9.45 «Худод сарин» 10.05 «Сеналар мактаби» 10.25 1-«Рангинком», 2-«Дидар» 11.10 «Ишқ эртаги», Т/с 11.45 «Минг бир маслаҳат» 12.05 «Кинотеатр» 12.30 «Эз ифтор», Т/с 13.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 14.50 «Интеллектуал ринг» 15.35 «Меҳр кўзда» 16.20 «Ҳажон ёрдами» 17.00 1-«Ўйла, йида, Топ!» 18.00 «Дил таронаси» 18.05 «Олтин бешик» 18.40 «Саломатлик сирлари» 19.00 «Оҳанглар оғушида» 19.15 «Суперлото», Телелотерея 19.20 «Сизнинг адвокатингиз» 19.30 «Ахборот» 20.05 «Омон бўлинг!» 20.00 «Диллар армони» 21.00 «Ахборот» 21.40 «Мен тонинг қизиман», Ҳосила Раҳимова куйлайди. 22.20 «Ҳаёт давом этади» 22.50 «Ризо», Б/ф, 1-кисм.

ЯКШАНБА 4

- ЎЗБЕКИСТОН 1tv 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.40 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.50 «Саломатлик сирлари» 10.00 «Ватанпарвар» 11.05 1-«Ўйла, йида, Топ!» Телему-собақа. 2-«Ақойиб савҳат» 12.15 «Калом», Ҳажрий кўрсатуви. 12.50 «Ҳўжа Насриддин Бухорода» Б/ф 14.10 Ватан ҳақида кўшиқлар. 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» 15.20 «Ўқуб» 16.15 «Олтин тоғ», Телеуйини. 16.50 «Камолот» экранни. 17.55 «Аёл қўли наволяри», Замира Сунонова куйлайди. 18.15 «Отлар оғзи» — ақнинг кўзи». 19.15 «Оҳанглар оғушида» 19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар. 19.30 «Тахлинома» 20.05 «Сўдди ҳақиқатлар» 21.00 «Тахлинома» 21.50 «Заковат» 22.45 «СЕНАМА LIZ» 23.05 «Қўшиқмасан, муҳаббат» 23.15 «Ризо», Б/ф 2-кисм.

ЁШААР

- 6.00 «Янги тонг» 8.00 Давринг боласи 8.15 «Кўнотдан келганлар», М/ф 8.55 Анонслар 9.00 «Аёл эрки», Т/с 10-кисм 9.40 Шифокор ҳабулида 10.00 Давр 10.15 «Болалигим — пошологим» 11.20 «Она замин яшашни истайдим» 11.30 Сўлиқ кизмати хабарлари 11.40 Наво 11.55 Орунлар кенетида 12.25 «Тадбир», Т/с 12.55 Анонслар 13.00 Давр 13.15 «Ратилар оиласи» 13.25 Ўлдуз билан... 13.55 Енидаги бахт. 14.00 «Янги кўн» 15.00 Анонслар 15.05 Саҳоват 15.50 Мусиқий лавҳа.

СПОРТ

- 7.30 «Хабарлар» 7.50 «Бодро удро» 8.00 «Хабарлар» 8.15 «Янги авлод» шоуси. 9.30 Кинотақдим. 9.50 «Камолот» хабарлари. 10.00 Оҳанглар 10.45 Яқшабна нонуштаси. 11.15 «Кўн тартиби», Нодира Қурбанова ва «Томиша» 12.00 «Военное дело» 12.20 «Ангелин швотечек», М/ф 13.00 «Мил делье» «Ералш» 13.30 Праздничний концерт к Международному Дню защиты детей. 14.40-15.30 «Итқидор» 15.00 Футбол, «Пахтакор» — «Хоразм» 20.00 «Вести» 20.15 «Стат ближе» 20.55 «Спорт-кадр» 21.10 «Заҳрадаги спортчи» 21.30 «Хабарлар» 21.50 «Слушатель», Кинокомедия. 23.20 Футбол, Жаҳон чемпионати, 1994.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилнинг: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузурдаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: УМИД УБАЙДУЛЛО.